

## Инновацион ғоялар ҳафталигида

ГИМ факультети Сув хўжалиги мелиорация ишларини механизациялаш таълим йўналиши 101-гуруҳ талабалари инновацион ғоялар ҳафталигида иштирок этдилар. Унда халқаро инновациялар ярмаркаси, халқаро инновацион инвестицион форум, халқаро робототехника мусобақаси, “АРСТТ-ESCAP” минтақавий семинари ташкил этилди.

Инновацион ғоялар ҳафталигида иштирок этган талабаларимиз қишлоқ хўжалиги техникаларини такомиллаштириш учун яратилган янги технологиялар, дастурлар, ишланмалар билан танишдилар. Гуруҳ раҳбари С.Холова бу борада институтимизда ҳамда кафедрада олиб борилаётган ишлар билан таништирди ва талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Мавжуд соҳаларни қамраб олган ҳафталик катта таассуротлар бахш этди.



“Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” кафедраси стажёр-ўқитувчиси Сарвиноз Холова  
ахбороти  
Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов